O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

SHU AZIZ VATAN – BARCHAMIZNIKI!

• 2010-yil • 8-iyun • Seshanba • 67 (31.187) • (Tel. Faks) 233-12-56 • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

e-mail: info@uzbekistonovozi.uz www.uzbekistonovozi.uz

ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 7 июнь куни Оқсаройда Россия Федерацияси Президентининг Қирғизистон Республикаси билан муносабатларни ривожлантириш бўйича махсус вакили Владимир Рушайлони қабул қилди.

Учрашувда минтақадаги вазият ривожига, ШҲТ ҳамда минтақавий хавфсизлик ва барқарорликни таъминлаш бўйича бошқа халқаро тузилмалар доирасидаги ҳамкорликка доир, шунингдек, томонларни қизиқтирган масалалар юзасидан фикр алмашилди.

(ЎзА)

МАТБУОТ МАРКАЗИ АНЖУМАНГА ТАЙЁР

Тошкент шаҳрида 10-11 июнь кунлари Шанхай ҳамкорлик ташкилоти (ШҲТ) Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтади. Саммит очилиши олдидан кенг кўламли тайёргарлик ишлари амалга оширилди.

Саммитнинг бош форумини ёритишда Хитой, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Туркманистон, Афғонистон, Ҳиндистон, Покистон, Эрон, Мўғулистоннинг турли оммавий ахборот воситаларидан уч юзга яқин вакил, қарийб 200 нафар маҳаллий журналист қатнашади.

ШҲТнинг халқаро майдондаги аҳамияти ва нуфузи юксалиб, фаолияти самарадорлиги изчил ошиб бораётгани жаҳонда катта қизиқиш уйғотмоқда. Тошкент саммитини нафақат мазкур ташкилотга аъзо, кузатувчи, меҳмон сифатида таклиф этилган давлатлар, балки кўплаб бошқа мамлакатларнинг оммавий ахборот воситалари, нуфузли халқаро нашрлар, йирик ахборот агентликлари ва телеканаллар вакиллари ҳам ёритиб бориш истагини билдиргани бунинг далилидир.

Саммит доирасидаги тадбирларни кенг, сифатли ва тезкор ёритиш учун «Ўзэкспомарказ»да барча қулайликларга эга халқаро матбуот маркази ташкил этилди. Саммит кунлари журналистлар иш олиб борадиган ушбу марказ энг юксак талабларга жавоб берадиган замонавий техника – электрон намойиш стендлари, Set-top-box, оптик-толали ва мобиль алоқа воситалари билан жиҳозланган. Давлат раҳбарлари кенгашининг мажлиси ва саммитнинг бошқа тадбирларидан хост-бродкастинг шаклида телевизион трансляция ташкил қилинади, ЎзА томонидан ШҲТ форумининг асосий воқеалари фото-хостинги очилади.

Марказда саммит арафасида ва анжуман бўлиб ўтадиган кунлар журналистларнинг тўлақонли ва самарали фаолият кўрсатиши учун барча зарур шароитлар яратилган.

(ЎзА)

Китобларга — халқаро мукофотлар

Москвада МДҲ мамлакатлари ношир ва матбаачилари ўртасида ўтказилган «Китобат санъати» анъанавий Халқаро кўрик-танловида Ўзбекистонда чоп этилган китобларга юқори баҳо берилди.

4-бет »

ТАҲЛИЛ ВА ТАКЛИФЛАР

қонунчиликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади

Қонунчилик палатаси депутати Ҳафизахон Каримова билан учрашув бошланиши олдидан суҳбатлашиб қолдик.

— Амалдаги қонунлар қандай ишлаяпти? Одамларнинг турмуш шароитини янада яхшилаш учун қандай қонунларга эҳтиёжлар бор? Ҳозир диққат эътиборимизда ана шу саволлар турибди, — деди у. — Биз, айниқса, маҳалла фаолиятига доир қонунлар янада такомиллаштирилиши лозимлигини кўраяпмиз. Боиси шуки, аҳоли ҳаётида маҳалланинг ўрни беқиёс. Унинг имкониятларидан самарали фойдаланмаяпмиз.

Депутат учрашувларда «Баркамол авлод йили» Давлат дастури, ҳудудда иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастурлари, қонунлар ижроси бўйича олиб борилаётган назорат-таҳлил ишлари тўғрисида гапирди.

Депутатнинг Ўзбекистон Халқ демократик партияси Андижон шаҳар кенгашидаги қабулига ҳам кўпчилик келди. Андижон шаҳрида яшовчи Рўзихон Мирзаева, Зиёуддин Мирзаев, Шавкатбек Келдиев каби фуқаролар ижтимоий масалалар билан боғлиқ айрим қонунларга ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш таклифини билдиришди.

— Депутат Ҳафизахон Каримова билан кўришиш, фикрлашишдан мамнун бўлдик, — деди Қаландархона маҳалла фуқаролар йиғини фаоли Нўъмонжон Ёқубов. — Бундай учрашувлар тез-тез ўтказилса, ҳаммамизга фойдали бўлади. Масалан, депутатимиз маҳаллалар фаолияти билан боғлиқ қонун талаблари ҳаётда қай даражада ижро этилаётганлигини ўрганди. Биз ўз таклифларимизни айтдик. Бунинг натижалари ишимизни такомиллаштиришга хизмат қилади, деб ўйлайман.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоларининг Андижон, Наманган, Самарқанд, Навоий вилоятлари, Қорақалпоғистон Республикасида аҳоли билан учрашувлари бўлиб ўтди. Давра суҳбатлари, семинарлар, фуқароларни қабул қилиш тарзида ўтган бу тадбирларда асосий эътибор «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонун, «Баркамол авлод йили» Давлат дастури ҳамда «2010 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури»нинг жойлардаги ижросини ўрганишга қаратилди.

2-бет

Хушхабарлар

Жаҳон чемпионатини Ўзбекистон вакили бошлаб беради!

4-бет »

Германиянинг Дуйсбург шаҳрида байдарка ва каноэда эшкак эшиш бўйича ўтказилган жаҳон кубогининг учинчи босқичида дунёнинг энг кучли спортчилари ғолиблик учун куч синашди.

Вадим яна биринчи

Каноэда эшкак эшиш бўйича эркаклар ўртасидаги яккалик беллашувларида бир километрлик масофани биринчи бўлиб босиб ўтган ўзбекистонлик Вадим Меньков ғолиб чиқди. 2009 йилнинг энг яхши каноэчиси, деб тан олинган ҳамюртимиз бу галги баҳсларда германиялик Себастьян Брендель ва канадалик Марк Олдершоуни ортда қолдирди.

Бир ҳафта муқаддам жаҳон кубогининг Венгрияда ўтказилган иккинчи босқичида маррага биринчи келган В.Меньков умумий рўйхатда ҳам пешқадамлар сафида.

Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,
ЎзА мухбири

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

8 июнь об-ҳавоси

Юртимизда		Хорижда	
Тошкент	26°С	Лондон	20°С
Самарқанд	28°С	Париж	25°С
Нукус	26°С	Москва	13°С
Қарши	30°С	Мадрид	26°С
Урганч	27°С	Пекин	17°С
Навоий	28°С	Гонконг	25°С
Фарғона	27°С	Рим	21°С
Бухоро	29°С	Анқара	18°С
Андижон	27°С	Токио	22°С
Наманган	27°С	Стокгольм	14°С
Термиз	31°С	Кейптаун	23°С
Жиззах	27°С	Қоҳира	27°С
Сирдарё	27°С	Гавана	34°С
Тошкент вил.	28 °С	Вашингтон	17°С



ЎЗБЕКИСТОН ВА ХИТОЙ: ҲАМКОРЛИКНИНГ ЯНГИ МАРРАЛАРИ САРИ

Хитой Халқ Республикаси Ўзбекистоннинг мустақиллигини 1991 йил 27 декабрда эътироф этган, мамлакатларимиз ўртасидаги дипломатия муносабатлар 1992 йил 2 январдан бошланган.

Умуман, Ўзбекистон-Хитой муносабатларининг ривожи ўзининг узоқ тарихига эга. Буюк ипак йўли даврларидан буён халқларимиз ўртасида савдо ва илмий-маданий алмашинувлар ривожланиб келган.

Мустақиллик эълон қилинганидан сўнг Ўзбекистон-Хитой муносабатлари ўзининг янги, мамлакатларимизнинг ўзаро ҳамкорликни кенгайтириш борасидаги уйғун саъй-ҳаракатларини намоён этган фаол ривожланиш босқичига кўтарилди.

Истиқболли ҳамкорлик ўзаро манфаатдорлик, ҳурмат ва ишонч тамойилларига асосланиб ривожланмоқда. Хитой ҳамиша Ўзбекистон томонидан танланган тараққиёт йўлини қўллаб-қувватлаган. Хитой учун ҳудудий яхлитликни сақлаган ҳолда муҳим ва долзарб бўлган масалаларда Ўзбекистон ушбу мамлакатнинг нуқтаи назарини ёқлаб келади.

Ўзаро ҳамкорлик муносабатларнинг бутун мажмуини қамраб олган ва дўстона хусусиятга эгадир. Унинг асосида икки давлат раҳбарлари ўртасида шаклланган шахсий ишончли алоқалар ётади. Ўзбекистон билан Хитойнинг ўзаро манфаатли ҳамкорлиги бугунги кунда юзага келган таҳдид ва хавф-хатарлар борасида ёндашувларнинг бир-бирига мос ёки яқин келишига хизмат қилмоқда. Ўзбекистон Хитой раҳбариятининг Тайван ва Тебет масаласи бўйича, уч ёвуз иллат — терроризм, экстремизм ва сепаратизмга қарши курашиш борасидаги ҳар томонлама ўйланган ва оқилона ташқи сиёсат йўналишини қатъий ва доимий равишда қўллаб-қувватлайди.

Ўзбекистон ва Хитой БМТ ва ШҲТ каби халқаро ва минтақавий ташкилотлар доирасида ҳам икки томонлама асосда фаол ҳамкорлик қилмоқда.

Мамлакатимиз раҳбарининг Дўстлик ва ҳамкорликнинг шериклик муносабатлари тўғрисидаги шартнома имзоланган ҳамда келгусида ўзаро алоқаларнинг ривожланиши учун мустаҳкам пойдевор бўлган 2005 йил 25-27 май кунларида ХХРга амалга оширган давлат ташрифи Ўзбекистон-Хитой ҳамкорлиги чуқурлашувининг муҳим босқичи бўлди.

2-бет »

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАРКАЗИЙ БАНКИ АХБОРОТИ

Ўзбекистон Республикаси Марказий банки 2010 йил 8 июндан бошлаб валюта операциялари бўйича бухгалтерия ҳисоби, статистик ва бошқа ҳисоботларни юритиш, шунингдек, божхона ва бошқа мажбурий тўловлари учун хорижий валюталарнинг сўмга нисбатан қуйидаги қийматини белгилади:*

1 Австралия доллари	1289,21
1 Англия фунт стерлинги	2287,31
1 Дания кронаси	253,73
1 БАА дирҳами	431,70
1 АҚШ доллари	1585,55
1 Миср фунти	279,69
1 Исландия кронаси	12,04
1 Канада доллари	1489,76
1 Хитой юани	232,14
1 Малайзия рингити	475,50
1 Польша злотийси	451,02
1 СДР	2317,85
1 Туркия лираси	983,77
1 Швейцария франки	1359,00
1 Евро	1942,07
10 Жанубий Корея вони	12,84
10 Япония иенаси	173,76
1 Россия рубли	51,03
1 Украина гривнаси	200,06

* Валюта қийматини белгилаш чоғида Ўзбекистон Республикаси Марказий банки мазкур валюталарни ушбу қийматда сотиш ёки сотиб олиш мажбуриятини олмаган.

Депутат ва ҳаёт

ТАҲЛИЛ ВА ТАКЛИФЛАР

қонунчиликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилади

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Тўрақўрғон туманининг Бураматут қишлоғида Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Зиёвуддин Мансуров билан бўлган учрашувда савол-жавоб ҳам, аниқ таклифлар ҳам кўп бўлди.

— «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонуннинг ижроси барча депутатлар томонидан жойларда ўрганилмоқда, — дейди депутат. — Кам таъминланган оилаларнинг ижтимоий ҳимояси маълум маънода маҳалла орқали йўлга қўйилган. Бу ишда адолат тамойили устувор бўлиши лозим. Қонун ижросини ўрганганимизда ва маҳаллий Кенгашлардаги депутатлик гуруҳларимиз берган маълумотларга кўра, бу борадаги ишларни такомиллаштириш керак, деган фикрга келдим. Учрашувлар пайтида аҳоли билдирган таклифлар ҳам бу фикрни тасдиқламоқда.

— «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонунни такомиллаштиришда қишлоқ ва маҳалла фуқаролар йиғинларидаги посбон ва маслаҳатчилар меҳнатини рағбатлантириш масаласига эътибор қаратилиши лозим, — деди қишлоқ фаолларидан Алижон Абдуллаев.

Бу масала бўйича депутат қонунлар лойиҳалари муҳокамалари чоғида ўз ваколати доирасида таклифлар киритишини таъкидлади.

Мулоқотда вилоят Кенгаши депутати Мухторхон Қосимхонов ҳам иштирок этди ҳамда халқ депутатлари вилоят Кенгашидаги депутатлик гуруҳи орқали бу масалани янада чуқурроқ ўрганиб, хулоса ва таклифлар тайёрлаш бўйича иш олиб бораётгани тўғрисида фикр юритди.

Парламент қуйи палатаси депутати Дилбархон Холиқова Қонунлар ва Дастурларнинг жойлардаги ижроси бўйича энг аввало одамлар фикрини ўрганишга ҳаракат қилди. У ХДП Чортоқ туман кенгаши Жамоатчилик қабулхонасида қабул соатларини ўтказди. Ҳар бир таклиф ва мурожаатни қайд этиб борди. Маҳаллий даражадаги муаммоларни эса партия фаоллари ёрдамида ҳал қилиш чораларини кўрди.

Туман газетаси таҳририяти ва почта алоқа бўлими ҳамда телекоммуникация тизими ходимлари билан бўлган учрашувда почта алоқаси ва телекоммуникациялар тўғрисидаги қонунлар ижроси бўйича фикрлашилди.

ЎзХДП Чортоқ туман кенгаши, «Фаол аёллар» қаноти раҳбари Дилрабохон Ҳайдарова билан бирга ёлғиз қариялар, ногиронлар ва кам таъминланган оилалар ҳолидан хабар олинди, улар ҳаётида маҳалланинг тутган ўрнини ўрганди. Маҳаллий Кенгаш депутатлари билан қонунлар ижроси, ижтимоий ҳимоя, туман Кенгаши сессияларига киритилиши зарур бўлган долзарб масалалар бўйича ташаббус билан чиқиш ҳамда партия электорати манфаатларини таъминлаш услублари бўйича фикрлашди.

Депутат Абдуғаффор Қирғизбоев Янгиқўрғоннинг Шарқ Юлдузи, Қораполвон, Бирлашган қишлоқ фуқаролар йиғинларидаги учрашувларни очиқ-ошкора суҳбат тарзида ўтказди.

Депутат мавжуд қонунлар ижроси, янги қабул қилинаётган қонунлар ва уларнинг моҳияти, «Баркамол авлод йили», инқирозга қарши чоралар дастурлари ижроси, ҳақида тўхталди.

Учрашув қатнашчилари қабул қилинаётган қонунлар ва дастурлар ҳаётда ўз аксини топаётганини мамнуният билан таъкидлашди. Айни чоғда айрим қонунларга ўзгартишлар киритиш зарурлиги тўғрисида таклифлар билдиришди.

— «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонун ва қабул қилинган дастурлар ижроси, — деди чортоқлик маҳалла оқсоқоли Турғунпўлат Эргашев. — Мамлакатимиз тараққиётига замин яратмоқда. Жаҳонда инқироз чуқурлашаётган бир вақтда диёримизда ҳар томонлама ўсиш бўлаётгани бунинг бир мисолидир. Аммо фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари фаолиятига оид қонун талаблари баъзи жойларда етарли бажарилмаётганига гувоҳ бўлаяпмиз. Шу боис, қонунлар бекаму кўст бажарилишини таъминлайдиган чора-тадбирлар кўрилиши лозим, деб ўйлайман.

Дилбархон Холиқова Қонунлар ва Дастурларнинг жойлардаги ижроси бўйича

энг аввало одамлар фикрини ўрганишга ҳаракат қилди. У ХДП Чортоқ туман кенгаши Жамоатчилик қабулхонасида қабул соатларини ўтказди.

Депутатлар билан бўлиб ўтган ҳар бир учрашув амалий руҳда ўтди. Унда жамоатчилик вакиллари қонунларни, уларнинг ижросини такомиллаштириш бўйича ҳаётий таклифлар айтишди.

Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати, ЎзХДП фракцияси раиси Улуғбек Вафоев Жомбой туманидаги маҳаллаларда бўлган учрашувларда мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар, парламентнинг қонун ижодкорлиги, қонунлар лойиҳалари муҳокамаси жараёнида ЎзХДП фракцияси фаолияти ҳақида ахборот берди. Сўнгра жойларда қонунларнинг ижроси билан боғлиқ масалаларда фикр-мулоҳазалар юритилди, савол-жавоблар бўлди.

— Юртимизда қадимдан шаклланган маҳалла институти фаолиятининг ҳуқуқий кафолатлари «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун билан белгилаб қўйилган, — дейди депутат. — Қонунчилик палатасининг 2010 йил ва ундан кейинги йилларга мўлжалланган иш режасида унга тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш белгиланган. Бунда айнан нималарга эътибор қаратиш кераклиги аҳоли томонидан билдирилган таклиф ва мулоҳазаларга боғлиқ.

— Дунёда глобаллашув жараёнлари кенг тус олаётган бугунги кунда фуқаролларимизнинг ҳуқуқий ва ижтимоий манфаатларини янада мустаҳкамлаш мақсадида «Ички ва ташқи миграция тўғрисида»ги қонун қабул қилиниши лозим деб ўйлайман, — дейди ЎзХДП Самарқанд вилоят кенгаши раиси Камолбой Исобеков.

Ўзбекистон Республикасининг «Электр энергияси тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди

Аммо унга қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш зарурати туғилмоқда, — дейди Санталат Сувонова. — Чунки бу масалада таъминотчи билан истеъмолчилар ўртасида тартибга солиниши лозим бўлган муаммолар юзага келмоқда.

— Ўзбекистон Республикасининг «Электр энергияси тўғрисида»ги қонуни қабул қилинди. Аммо унга қўшимча ва ўзгартишлар киритиш зарурати туғилмоқда, — дейди Санталат Сувонова. — Чунки бу масалада таъминотчи билан истеъмолчилар ўртасида тартибга солиниши лозим бўлган муаммолар юзага келмоқда.

Депутатнинг Булунғур туманида ўтказган учрашувларида «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги қонун ижросини таъминлашга оид кўплаб таклиф ва фикрлар билдирилди. Албатта бу таклифларнинг баҳсли, мунозарали жиҳатлари ҳам бор. Лекин энг муҳими, одамларнинг сиёсий ва ҳуқуқий билимлари юксалиб, қабул қилинаётган қонунларга қизиқишлари тобора ошиб бораётгани учрашувлар чоғида яққол кўринди.

Қорақалпоғистон Республикасидан сайланган Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати Назира Матякубова сайлов округидаги учрашувларида мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотларнинг бориши, парламентнинг қонун ижодкорлиги фаолияти, қабул қилинган қонунларнинг мазмун-моҳияти, ўзи аъзо бўлган қўмита ва фракция фаолияти ҳақида батафсил гапириб берди. Ўзбекистон ХДП Сайловолди дастурида белгиланган масалалар юзасидан амалга оширилган ишларга алоҳида тўхталди.

Учрашувларда халқимизнинг сиёсий маданияти, фуқаролик позицияси кучайиб бораётгани яққол сезилиб турди. Бундан ташқари, депутат «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонун, «Баркамол авлод йили» Давлат дастури, 2010 йилда янги иш ўринлари ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш Дастурининг бажарилишини ўрганиш мақсадида халқ депутатлари маҳаллий Кенгашлари депутатлари ҳамда тегишли ташкилотлар мутахассисларидан иборат ишчи гуруҳи тузиб, амалий иш олиб борди. Ишчи гуруҳи мазкур ҳужжатларнинг жойлардаги ижросини атрофлича тадқиқ этди.

— Депутатнинг сайлов округидаги фаолияти моҳият эътибори билан нафақат палата фаолияти кучайиши ва мукаммал қонунлар яратилишига хизмат қилади, балки сайловчиларнинг ҳам фаоллигини оширади, — дейди Назира Матякубова. — Масалан, ўзим сайланган округдаги фуқароларни қабул қилиш жараёнида ҳам улар қонунларни такомиллаштириш юзасидан жонли ва ҳаётий фикрлар айтишди. Бу эса депутат ўз фаолиятини самарали ташкил этиши учун жуда муҳимдир.

Қизилтепа туманининг «Нафосат» маданият саройида

«Тошробот» қўрғонида бўлиб ўтган тадбирда 2010 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури бўйича қилинаётган ишларга эътибор қаратилди.

35-Қизилтепа сайлов округидан сайланган депутат Аҳад Аҳмедовнинг ҳар бир учрашуви амалий тусда ўтди. Депутат аввало «Фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари тўғрисида»ги Қонун ва «Баркамол авлод йили» Давлат дастури ижросига эътибор қаратди.

Бу эса қизғин мунозараларга сабаб бўлди, депутат ҳар бир одамни қонун ижросининг фаол назоратчиси, ислоҳотлар жараёнининг жонкуяри бўлишга ундади. Қизилтепа тумани ҳокимлиги мажлислар залидаги йиғинда ҳам, Кармана туманида бўлган депутат қабулида ҳам, жойлардаги семинар ва давра суҳбатларида ҳам мамлакатимизда амалга оширилаётган кенг кўламли ислоҳотлар, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирозининг салбий оқибатлари таъсиридан иқтисодиётни ҳимоя қилиш мақсадида ишлаб чиқилган инқирозга қарши чоралар дастури ижроси борасида амалга оширилган чора-тадбирлар натижалари билан боғлиқ таҳлилларга алоҳида эътибор қаратилди.

Айниқса, фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари вакиллари, ЎзХДП фаоллари, халқ таълими ходимлари билан бўлган учрашув қизғин кечди. Депутат парламентнинг қонун ижодкорлиги фаолияти, қабул қилинган қонунларнинг маъно-мазмуни ва уларнинг жойлардаги ижросини назорат қилиш борасидаги ишларга кенг тўхталди. Шунингдек, у бу борада ҳамкорликни яхши йўлга қўйиш зарурлигини таъкидлади. Демократик институтлар, нодавлат ташкилотлар, ўзини ўзи бошқариш органлари ва жамоатчилик қонун ижроси бўйича назоратни кучайтирса, бу шубҳасиз, катта ўзгаришларга олиб келади. Ҳаётда адолат қарор топади.

Қизилтепа туманининг «Нафосат» маданият саройида «Тошробот» қўрғонида бўлиб ўтган тадбирда 2010 йилда иш ўринларини ташкил этиш ва аҳоли бандлигини таъминлаш дастури бўйича қилинаётган ишларга эътибор қаратилди.

Учрашув қатнашчиларидан Шавкат Нарзиев таълим муассасаларида телефондан фойдаланишни тартибга солиш бўйича илгари сурилаётган қонун лойиҳасига ўз амалий таклифларини айтди. Бу ҳужжатнинг қабул қилиниши, ўсиб келаётган авлод тарбиясида муҳим аҳамиятга эга, дея таъкидлади у.

Депутатнинг аҳоли билан юзма-юз мулоқотлари шуни кўрсатдики, бундай учрашувлар одамларнинг фикрлари қонунларда ўз аксини топишига, уларнинг фаоллиги ошишига, ҳаётимизда қонун устуворлигини таъминлашга хизмат қилиши таъкидланди.

Аҳмадилло СОЛИЕВ,
Носиржон ДЕҲҚОНОВ,
Абдували ХУДОЁРОВ,
Рейимбой ЕШИМБЕТОВ,
Музаффар ШАРОПОВ.

ЎЗБЕКИСТОН ВА ХИТОЙ:

ҳамкорликнинг янги марралари сари

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Икки давлат раҳбарларининг ШҲТ саммитлари доирасидаги мунтазам учрашувлари навбатдаги йирик воқеаларга айланди. Уларнинг 2009 йил декабрь ойида Туркманистондан Хитойга газ қувурининг ишга туширилиши маросими иштироки чоғидаги томонлар ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни, транспорт, энергетика, телекоммуникация, енгил саноат ва қишлоқ хўжалиги каби соҳаларда шерикчиликни рағбатлантириш борасида янги таклифларни илгари сурилган учрашуви муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Мамлакатларимиз ўртасида икки томонлама аҳамият касб этувчи 200 та ҳужжатдан иборат бўлган мустаҳкам шартномавий-ҳуқуқий база шаклланган бўлиб, у ХХР раиси Ху Цзиньтаонинг юртимизга амалга оширилажак давлат ташрифи чоғида янада кенгайтирилади.

Мамлакатларимиз ўртасидаги муносабатлар савдо-иқтисодий ва илмий-техникавий соҳаларда жадал ривожланмоқда. Ўзбекистоннинг савдо ҳамкорлари орасида Хитой етакчи ўрин эгаллайди.

2009 йилнинг якунига кўра икки томонлама савдо айланмаси 2051,4 миллион АҚШ долларини, (ўсиш кўрсаткичи 35,8 фоиз), экспорт 489,0 миллион АҚШ долларини, импорт – 1562,4 миллион АҚШ долларини ташкил этди. 2010 йилнинг биринчи чораги якунига кўра, икки мамлакат ўртасидаги савдо айланмаси 407,6 млн. долларга етди, шу жумладан, экспорт – 191,7 миллион АҚШ доллари, импорт эса – 215,9 млн. доллар.

Нефть ва газ соҳасидаги сармоявий ҳамкорлик жадал суръатларда ривожанмоқда. Хитой миллий нефть ва газ корпорацияси (CNPC) Орол денгизи сув ҳавзасида, шунингдек, республикамизнинг нефть ва газ захирасига эга бўлган Устюрт, Бухоро-Хива ҳамда Фарғона минтақаларида геологик қидирув ишларини олиб бормоқда. Мингбулоқда нефть қазиб олиш бўйича қўшма корхона иш бошлади.

2009 йил декабрь ойида Туркманистондан Хитойга газ қувурининг ишга туширилиши, мамлакатларнинг энергетика соҳасидаги ҳамкорлигида муҳим воқеа бўлди.

Айни вақтда Ўзбекистон ҳудудида Хитой сармояси иштирокида 300 дан зиёд корхона фаолият кўрсатмоқда. Улардан 52 таси 100 фоиз Хитой маблағи асосида ишлайди.

Мазкур корхоналар асосан енгил саноат маҳсулотлари ишлаб чиқариш, қишлоқ хўжалик маҳсулотларини қайта ишлаш, воситачилик хизматлари кўрсатиш ва бошқа йўналишларда иш олиб бормоқда. Хитой компанияларининг фаол иштирокида Ўзбекистонда бир қатор йирик инфратузилмавий лойиҳалар босқичма-босқич амалга оширилмоқда.

Маданият, фан ва таълим соҳаларидаги икки томонлама ҳамкорлик ҳам фаол ривожланмоқда. Олий ўқув муассасалари ўртасида талабалар ва амалиётчилар алмашуви, хусусан, Ўзбекистонда хитой тилини, Хитойда эса ўзбек тилини ўрганиш йўлга қўйилган.

ХХР раиси Ху Цзиньтаонинг Ўзбекистонга 2004 йил июнь ойида амалга оширган давлат ташрифи чоғида имзоланган ҳукуматлараро битимга мувофиқ, 2005 йилнинг май ойидан бошлаб Тошкентда хитой тили ва маданиятини ўрганиш бўйича Конфуций номидаги институт фаолият юритиб келмоқда. Мазкур илм масканида ўқувчилар, талабалар, тижорат вакиллари ва илмий ходимлардан иборат 300 дан зиёд тингловчи таҳсил олмоқда.

2005 йилнинг сентябрь ойидан бошлаб ХХРнинг Марказий миллатлар университетида иккита талабалар гуруҳидан иборат бўлган ўзбек тили бўлими ишлаб турибди.

2007 йилнинг май ойида Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида хитой тили маркази очилди. Ушбу марказ Хитой томонидан беғараз ёрдам асосда техник ускуналар ва ўқув қуроллари билан жиҳозланган. ХХР ҳукумати икки томонлама битимга асосан ҳамда ШҲТ доирасида ҳар йили ўзбекистонлик талабаларга ўқув грантлари ажратади. Ўзбекистон олий ўқув юртларида 20 нафар хитойлик талаба таҳсил олмоқда.

Ўзбекистон томони ХХРдаги юқори макроиқтисодий кўрсаткичларни Хитойда муваффақиятли илгари сурилаётган иқтисодий лойиҳалар, инқирозга қарши оқилона ишлаб чиқилган дастурнинг гувоҳи сифатида кўради. Шанхай шаҳрида очилган улкан «ЭКСПО-2010» кўргазмаси Хитойнинг равнақ топаётган иқтисодиётини намоён этмоқда. Ушбу йирик халқаро кўргазма доирасида Ўзбекистон павильони фаол ишламоқда.

Сайёҳлик борасида эса «Ўзбектуризм» миллий компанияси билан ХХР Миллий туризм маъмурияти ўртасида 2009 йил июнь ойида Ўзаро англашув меморандуми имзоланган. Умумхитой журналистлари уюшмасининг электрон маълумотлари жамланмасида Ўзбекистон маданий ва тарихий осори-атиқалари, шунингдек, туризм борасидаги салоҳиятига оид фото ва видео лавҳалар доимий асосда ўрин олган. 2009 йилда Чжэньчжоу ва Циндао шаҳарларида юртимиз сайёҳлик имкониятларининг тақдимотлари ўтказилди.

2007 йил октябрь ойида Ўзбекистон терма жамоаси Шанхайда ўтган Махсус бутунжаҳон ёзги Олимпия ўйинларида иштирок этиб, спортнинг 7 тури бўйича 19 медални қўлга киритди.

2008 йил августда Пекин шаҳрида бўлиб ўтган Олимпия ўйинларида юртимиз терма жамоаси олтита соврин, яъни битта олтин, иккита кумуш ва учта бронза медалига эга бўлди. Ўзбекистонлик спортчилар ХХР пойтахтида мазкур йили ўтказилган параолимпия мусобақаларида илк бор иштирок этди.

2009 йил июнда Хитойда ўтган бокс бўйича Осиё чемпионатида Ўзбекистон терма жамоаси иккита кумуш ва учта бронза медалини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида 2-ўринни эгаллади.

Тошкент ва Шанхай шаҳарлари, Бухоро вилояти ва Хубэй провинцияси ҳамда Тошкент вилояти ва Шаньси провинцияси ўртасида шериклик алоқалари ўрнатилган.

Гуманитар соҳадаги ҳамкорлик ривожида 1998 йилда таъсис этилган «Ўзбекистон-Хитой» ва 2007 йил декабрда ташкил қилинган «ХХР — Марказий Осиё» дўстлик жамиятлари фаол аҳамият касб этаётир.

ХХР раисининг мамлакатимизга амалга оширилажак давлат ташрифи Ўзбекистон ва Хитой ўртасидаги турли кўламдаги ҳамкорликнинг кенгайтирилишида янги саҳифаларни очиб бериб, йирик сармоявий лойиҳаларни илгари суриш, дўстлик ва ўзаро ишонч муносабатларини мустаҳкамлашга салмоқли ҳисса қўшиши шубҳасиздир.

«Жаҳон» АА

XXI аср — интеллектуал бойлик асри

Илм-фан ютуқлари ишлаб чиқаришга

Наманган муҳандислик педагогика институтида механика, машинасозлик, технология, қурилиш, информатика, иқтисодиёт ва малака ошириш факультетлари бўлиб, бу ерда 299 нафар профессор-ўқитувчи ёшларга таълим-тарбия бермоқда. Бугунги кунда институтда йигирма икки бакалавриат таълим йўналиши бўйича 4911, ўндан ортиқ мутахассислик бўйича 73 нафар магистр таҳсил олмоқда.



«Баркамол авлод йили» Давлат дастурида белгиланганидек, илм-фанни янада ривожлантириш, иқтидорли ва қобилиятли ёшларни илмий фаолиятга кенг жалб этиш, уларнинг ўз ижодий ва интеллектуал салоҳиятини рўёбга чиқариши учун зарур шарт-шароитларни яратиш олий таълим муассасаларининг энг асосий, таъбир жоиз бўлса устувор вазифасига айланди. **Наманган муҳандислик педагогика институти ректори, техника фанлари доктори, профессор Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси, ЎзХДП фаоли Пахриддин Маткаримов** билан суҳбатимиз ана шу ҳақда бўлди.

—Кейинги йилларда институтимиз олимлари ва ёш тадқиқотчиларнинг озиқ-овқат ресурсларини ривожлантириш, янги қурилиш материаллари яратиш, бино ва иншоотларнинг зилзилабардошлигини ошириш, халқ хўжалигида қуёш энергиясидан фойдаланиш сингари долзарб мавзуларда назарий ва амалий аҳамиятга молик илмий изланишлари салмоғи сезиларли даражада ошди, — дея сўз бошлади ректор. — Ўтган ўқув йилида 2009-2011 йилларга мўлжалланган давлат грант дастури доирасида учта амалий, иккита фундаментал ва битта инновацион тадқиқот амалга оширилди. Мазкур лойиҳаларнинг ҳажми 59,567 миллион сўмни, шартномалар асосида бажарилган илмий ишланмалар эса 17,58 миллион сўмни ташкил этди. Ўтган йили институт олимлари томонидан жами 77,147 миллион сўмлик тадқиқот ишлари олиб борилди.

Бундан ташқари, шу кунларда **Физика, Материаллар қаршилиги ва қурилиш механикаси, Умумтехника, Информатика, Бинолар ва саноат иншоотлари қурилиши, Озиқ-овқат технологияси** кафедралари жами 78308,0 минг сўмлик учта фундаментал, учта амалий ва битта инновацион лойиҳа устидаги тадқиқот ишларини ниҳоясига етказмоқда. Шуни алоҳида таъкидлаш жоизки, ўтган йилнинг ўзида институтимизда иккита дарслик, иккита ўқув қўлланмаси нашрдан чиқди. Бундан ташқари, электрон дарсликлар учун ҳар бири 27 миллион сўм бўлган электрон доскалар келтирилди.

— Пойтахтимизда ўтказилган III инновацион ғоялар, лойиҳалар ва технологиялар ярмаркасида талаба-тадқиқотчилар томонидан яратилган илмий ихтиролар кўпчилик олимлар эътирофига сазовор бўлди...

— Дарҳақиқат, Ўзбекистон ёшлари барча соҳаларда, хусусан, илм-фанда дунёнинг исталган мамлакатидаги тенгдошлари билан беллаша олишини амалда исботламоқда. Уларнинг математика, физика, кимё халқаро олимпиадаларида кўрсатаётган юксак натижалари ҳам фикримизнинг ёрқин далилидир. Институтимизнинг истеъдодли талабаёшлари ҳам қатор муваффақиятларга эришаётгани бизни қувонтиради. Жумладан,

магистр Саида Абдуллаеванинг тадқиқотлари 2008-2009 ва 2009-2010 йилларда, кетма-кет икки марта информатика йўналишида Президент стипендиясига муносиб кўрилди.

Яна бир магистримиз Абдулла Қўзиев эса педагогика йўналишида талабаларнинг энг юксак мукофотини қўлга киритди. Ҳозирда у инсоннинг юз тасвирини идентификация қилиш давлат гранти лойиҳасида қатнашмоқда. Шунингдек, «Энг яхши магистрлик диссертацияси» республика танловида иштирок этиш учун тайёргарлик кўрмоқда. Бундан ташқари, Раҳим Муродов, Анвар Маҳмудов, Муяссар Мирзаева, Элёр Йўлдошев, Озода Абдуллаева сингари ўнлаб талабаларимиз Беруний номидаги Давлат стипендиатлари ҳисобланади.

Пойтахтимизда бўлиб ўтган III инновацион ғоялар, лойиҳалар ва технологиялар ярмаркасида профессор-ўқитувчилар билан бир қаторда ёш тадқиқотчилар, аспирант ва магистрлар, шунингдек, иқтидорли талабаларимиз ҳам ўз лойиҳалари билан иштирок этишди. Чунончи, улар томонидан яратилган **«Экинларни суғориш учун такомиллаштирилган эгат очгич», «Шарнирли-тишли борона ва уни иккиламчи қора металлдан тайёрлаш технологияси», «Тукли пахта чигитларини экиш олдидан намлаш механизациялашган технологияси»** каби ихтиролари кўпгина ишлаб чиқариш корхоналари диққатини ўзига жалб этди.

— Институт олимлари нуфузли чет эл олий ўқув юртлари билан ҳамкорликда қандай халқаро грант лойиҳаларини амалга ошираяпти?

—Институтимиз Малайзия, Япония, Нидерландия, Хитой, Россия каби бир қатор давлатларнинг олий таълим муассасалари билан мустаҳкам илмий алоқаларни йўлга қўйган. Хусусан, Нидерландиянинг Вагенинген, Германиянинг Лейбциг институтлари билан Марказий Осиё таълим тизимида ислоҳот ва сифат назорати бўйича лойиҳа имзоланган. Мандат асосидаги ушбу лойиҳага Польша, Чехия ва Қозоғистоннинг кўпгина университетлари ҳам қўшилган.

Шунингдек, Македониянинг Охрид информацион технологиялар ва Германиянинг Чемнитц техника университетлари ўртасида таълим олиш соҳасидаги ҳамкорлик лойиҳасига Грузия, Украина, Венгрия ҳамда Россиянинг нуфузли олий ўқув юртлари билан бирга бизнинг институтимиз ҳам аъзо ҳисобланади.

Бундан ташқари, институтимизнинг малакали ўқитувчилари хорижий мамлакатларнинг грантлар танловида қатнашмоқда. Чунончи, шу кунларда **Экология** кафедраси доцентлари Баҳриддин Аҳмедов, Пўлатхон Султонов ва Аҳмаджон Мамадалиевлар Япониянинг беғараз ёрдам фонди грантида **«Наманган ҳудудида ер ости сувларини кўтарилиш сабаблари»** лойиҳаси билан иштирок этмоқда.

Биз бундан кейин ҳам чет эл олий таълим муассасалари билан ўзаро ҳамкорлик алоқаларини кенгайтиришимиз зарур. Бу эса ахборот алмашинуви глобаллашган ҳозирги даврда ёшларимизнинг юксак интеллектуал салоҳиятини янада оширишга хизмат қилади.

«Ўзбекистон овози» мухбири Носиржон ДЕҲҚОНОВ суҳбатлашди.

Замондошларимиз

Адабиёт ҳаётни қадрлашга ўргатади

«Дунёнинг кўпгина мамлакатларида бўлганман, бироқ ўз Ватани тарихини, адабиётини чуқур биладиган, ўткир солоҳиятли муаллимларни жуда кам учратганман. Шундай ўқитувчилари бор Ўзбекистонга ҳавасим келади».

Бу сўзларни қадимий Хива тўғрисидаги бир қатор илмий рисолалар ёзган таниқли можар шарқшуноси ва ношири Гизелла Басса Ўзбекистон халқ ўқитувчиси Давлатёр Раҳимов билан суҳбатлашгандан кейин айтган эди. Бу фидойи инсон узоқ йиллардан бери Хивадаги 10-мактаб директори лавозимида хизмат қилади. Ўқувчиларга она тили ва адабиёти фанидан дарс беради. Шунингдек, тарихий қўлёзмалар устида изланиб, кўплаб китоб, мақолалар чоп эттирди.

Унинг отаси — шоир Раҳим Назарий ҳам Хоразмнинг донгдор, билимли ўқитувчиларидан эди. У Боғот туманидаги Зейнал қишлоғида ўз ҳисобидан мактаб ташкил қилиб, унда деярли 60 йил мобайнида дарс берган. Шундан бўлса керак, вилоят аҳли у кишини ҳали-ҳануз ҳурмат ва эҳтиром билан тилга олади. Давлатёр ҳам отаси изидан бориб илму маърифатга, хусусан, адабиёт ва тарих фанларига ёшликдан меҳр қўйди. Дурдона асарлар битиб жаҳон адабиёти хазинасига улкан ҳисса қўшган адибларимиз, шоир-у ёзувчиларимиз асарларини, шунингдек, Ватанимизнинг бой тарихини қунт билан ўрганди. Билимини янада ошириш мақсадида Самарқанд давлат университети филология факультетига ўқишга кириб, муваффақият билан тамомлади.

Давлатёр Раҳимовнинг олижаноб педагогик фаолиятидан ташқари таҳсинга лойиқ хизматларидан бири, шубҳасиз, унинг шоир Феруз ҳақидаги тадқиқотларидир. Устоз болалигида отаси Раҳим Назарийдан, тарих ўқитувчиси Саодат Матназаровадан улуғ шоир ҳақида, унинг ўша давр дарсликларига киритилмаган дилтортар ғазаллари ҳақида кўп эшитарди. У манбалар, материаллар тўплашга киришди. Ниҳоят, у 1990 йилда ҳаммаслаклари билан аниқ тарихий маълумотлар ва манбаларга суянилган, замондошлар хотирасидан унумли фойдаланилган, бадиий мушоҳадалар билан бойитилган асарни якунлади. Китоб 1991 йилда Ғафур Ғулом номидаги Адабиёт ва санъат нашриётида чоп этилди.

Мустақиллик нафаси ва миллат маънавиятини юксалтиришга қаратилган беқиёс эътибор уни янада руҳлантирди. Давлатёр Раҳимов изланишларини давом эттириб, 1994 йилда Бобожон Тарроҳ қаламига мансуб бўлган «Хоразм навозандалари» асари қўлёзмасини нашрга тайёрлади. Китобда ўша даврдаги истеъдодли шоирлар, таниқли олимлар мусиқа илмига доир қимматли маълумотлар бор.

Устоз педагогнинг ёш авлоддан умиди катта. Ўзи бошқариб келаётган мактабда барча фанларни, айниқса, адабиёт, тарих ва ҳуқуқ соҳасини чуқур ўқитиш йўлга қўйилган. Мактаб ўқувчиларининг фан олимпиадаларида фахрли ўринларни қўлга киритиб келаётгани ҳам фикримиз далилидир.

Биз жонкуяр замондошимиз Давлатёр Раҳимов ҳақида фикр юритар эканмиз, мақоламизни унинг ўзи кўп такрорлайдиган сўзлар билан якунлашни лозим топдик: «Адабиётни чуқур билган инсонгина ҳам маънан, ҳам руҳан соғлом бўлади, тарихни англаш эса одамларни нафақат ўтмишни, балки бугунини ва эртасини қадрлашга ўргатади».

Бобохон ШАРИФ

Ланчжоуда ўзбек болалари ижоди кўргазмаси

Хитойнинг Ланчжоу Университетида таҳсил олаётган бир гуруҳ ўзбек талабалари халқаро болаларни ҳимоя қилиш кунига бағишлаб маҳаллий мактаб ўқувчилари учун тадбир ташкил қилишди. Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми жамғармаси кўмагида ўтказилган ушбу байрамда талабалар ўзбек болалар ижодига мансуб суратлар тўпламини ланчжоулик болакайларга намойиш этишди. Кўргазмани томоша қилиш учун узундан-узоқ навбатда турган чинлик болалар юзида чинакам завқ ва ҳайратни пайқаш қийин эмас эди.

Тадбирнинг иккинчи қисмида ўзига хос мусобақа ташкил қилинди. Унда хитойлик болалар орасидан ўзбек тилида шеърларни энг ифодали ёд олганлари танланиб, уларга эсталик совғалари топширилди.



Муҳиддин АЛИМБОЕВ олган суратлар.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

«ИСФАЙРАМ — ШОҲИМАРДОН» ИРРИГАЦИЯ ТИЗИМИ БОШҚАРМАСИ

ТАНЛОВ САВДОСИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

Объект номи:
Фарғона шаҳридан ўтувчи «Марғилонсой» ирригация тизими ўзанини ободонлаштириш ва қирғоқларини мустаҳкамлаш. «ҚМИ»га

Муддати — 30.07.2010 й.
Бошланғич нархи: — 123 493 000 сўм ҚҚС билан,
— 102 910 800 сўм ҚҚСсиз.
Буюртмачи: «Исфайрам — Шоҳимардон» ирригация тизими бошқармаси.
Манзили: Фарғона шаҳри, Мустақиллик кўчаси, 310-уй, тел: 226-23-04.

Таъмирлаш ишлари Давлат бюджети ҳисобидан молиялаштирилади.

Талабгор сифатида иштирок этаётган ташкилот ва корхоналар қуйидаги шартларга мос келишлари керак: ўхшаш объектларни қуриш бўйича тажрибаси борлиги, етарли касбий ва техникавий малакага, объект қийматининг камида 20% миқдорида айланма маблағига (захирадаги қурилиш материаллари билан бирга) ёки бундай маблағни тақдим қилишга банк кафолатномаси мавжудлиги, молиявий имкониятларга, ишчи кучи ресурсларига, шартнома тузишга лаёқатли юридик ҳуқуқга эга ва ишончли бўлишлари шарт.

Танлов савдоларида мамлакатимиз ва чет эл қурилиш ташкилотлари қатнашганда, уларнинг танлов таклифларини баҳолашда мамлакатимиз пудратчиларига қуйидаги нарх преференциялари эътиборга олинади: қонун-ҳужжатларига мувофиқ, импорт қилувчилар қўшилган қиймат солиғидан озод қилинадиган товарлар (ишлар, хизматлар)ни импортга етказиб бериладиган танлов таклифлари қатнашчиларининг танлов таклифларини баҳолашда кўрсатиб ўтилган солиқ суммаси қўшимча равишда ҳисобга олинади.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Фарғона вилоят қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилиш мумкин:

Фарғона шаҳри, Қ.Раҳимов кўчаси, 2-а уй, телефон/факс: 224-74-20, 224-18-76.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда оферталарни очиш куни ва вақтигача қабул қилинади.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин юқорида кўрсатилган манзилда ўтказилади.

Жиноятга жазо муқаррар

«Патанатомия»

Бўстонлиқлик Амонжол Турсунов билан Джанибек Турсунқуловлар бир кўчада қўшни бўлиб яшашади. Иккаласи ҳам «Матиз» автоуловини ижарага олиб, киракашлик қилишарди. Қисқаси, улар бир-бирига рақобатчи эди.

Амонжол тиниб-тинчимайдиган меҳнаткаш Джанибекни кўрарга кўзи йўқ, қишлоқдошлари орасида ҳожатбарорлиги билан ҳурмат топган бу йигитга қандай қилиб бўлмасин ёмонлик қилиш пайида юрарди. Ичи қоралик, кўролмаслик ва ғараз ундаги барча инсоний хислатларни кемириб ташлади. Амонжол қабиҳ жиноятга қўл урди.

Ўртачирчиқлик Радик Авакриев ҳам талаба бўлиб, Амонжол билан Тошкент тиббиёт академияси 8-ётоқхонасида бирга яшаб келган.

— Озроқ пул керак бўлиб қолди, — деди Радик ҳамхонаси Амонжолга. — Олган 20 минг сўм қарзингни берсанг дегандим.

— Пулим йўқ. Агар истасанг пул топишда ёрдам беришим мумкин. — Қандай қилиб? — қизиқсинди Радик.

—«Ов»га чиқамиз. Пул ҳам, машина ҳам бўлади.

Амонжол шеригига жиноий режасини айтди. Пул ва машинага эга бўлиш мумкинлигини эшитган Радик бироз иккиланиб, сўнг кўнди ва пичоқ, арқон солинган пакетни олиб, спорт сумкасига жойлади. Икковлон «Матиз»га ўтириб Бўстонликка — Амонжолнинг уйига йўл олишди. Ўтириб овқатланишди. Қоронғу тушгач, Амонжол Джанибекнинг уйига телефон қилди.

— Соат 9 ларда уйга қайтади, — жавоб қилди Джанибекнинг турмуш ўртоғи.

Амонжол Радикка қараб, айни пайти эканини айтди.

«Сценарий» бўйича Амонжол Джанибекнинг уяли телефони рақамини терди:

— Оғайни, Чирчиққа 4 та «клиент»ни олиб кетаётгандим. Машинам бузилиб қолди. Шуларни сен олиб борсанг дегандим. Яхши ҳақ тўлашади.

Джанибек машина рулини айтилган манзилга томон бурди.

Кеч қоронғу. Чорбоғ-Бектемир магистрал йўлида машиналар сийраклашган. Аммо кўзи қонга тўлган икки талаба йўлдан кўзини узмасдан «ов»ни кутарди. Орадан ярим соатлар вақт ўтди. Ана, таниш «Матиз».

— Нима бўлди? — Джанибек машинадан тушиб келаркан, сўради.

— Бузилиб қолди. Кел, ёрдам бериб юбор.

Амонжол Джанибекни алдаб машинанинг орқа томонига олиб ўтди. Шу пайт келишилганидек, Радик сумкадан арқонни олиб, Джанибекни бўға бошлади. Амонжол эса тепиб уни ерга ётқизди. Бироздан сўнг Джанибек ҳушидан кетди. Уни ўзи ҳайдаб келган «Матиз»нинг орқа ўриндиғига солиб, рулга Радик ўтирди ва Амонжол машинасининг орқасидан ҳайдади. Унинг машинаси Чирчиқ дарёси қирғоғи томон бурилган эди.

Инсонийлик қиёфасини йўқотган икки қонхўр ҳушсиз ётган Джанибекни машинадан тушириб, кийимларини ечишди. Ҳеч нарсадан тап тортмайдиган Амонжол пичоқни Джанибекнинг бўғзига урди. Калласини олиб, танасини сувга улоқтирди. Қотиллар машинага ўтириб, воқеа жойидан ўн беш километрлар наридаги Чирчиқ дарёси тўғонига келишди. Джанибекнинг танадан узилган боши, кийимлари, пичоқ, арқон ҳамда автоуловнинг рақамларини сувга ташлаб юборишди. Сўнг улар Джанибекка тегишли «Матиз»ни Бўстонлиқ тумани «Думалоқ» қишлоғидаги тор кўчада қолдириб, Амонжолнинг уйига қайтишди.

Қўлга киритилган машинани яшириш мақсадида Амонжол курсдоши Тимур Досановга телефон қилиб, тезда учрашиш кераклигини айтди. Тахминан 23 ларда унинг уйига бориб, «Матиз» учун Тошкентдан гараж топиб беришини илтимос қилди. Шундай қилиб жиноий йўл билан қўлга киритилган машинани Ҳамза туманидаги уйлардан бирининг олдига қолдириб, ўзлари ортга қайтишди.

Йўлда Амонжол қолдирилган «Матиз» автоулови ҳақида гап очди:

— Биласанми Тимур, «Матиз»нинг эгаси «патанатомия» бўлиб кетган.

— Нима?!

Тимур даҳшатга тушиб қотиб қолди. Бўлғуси тиббиёт ходими бу сўзнинг маъносини яхши биларди.

— Эгасини ўлдирдик, — деди Амонжол бамайлихотир.

Тимур эса ўта оғир жиноят ҳақида ҳеч кимга айтмади. Лекин жиноят тезда очилди. Орадан тўрт кун ўтгач Радик, бешинчи куни эса Амонжол қўлга олинди. Ўта шафқатсизлик билан айбни оғирлаштирадиган ҳолатда қасддан одам ўлдириш ҳамда автомототранспорт воситаларининг давлат рақам белгиларини эгаллаш, нобуд қилиш жиноятларини содир этгани учун Амонжол Турсунов 23 йилга, Радик Авакриев 22 йилга озодликдан маҳрум этилди. Жиноятни яширганлиги, хабар бермаганлиги учун Тимур Досанов 4 йилга «кесилди».

Алишер АКРАМОВ,
Бўстонлиқ тумани прокурори ёрдамчиси, адлия маслаҳатчиси.
Равшан ШОДИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Жаҳон чемпионатини Ўзбекистон вакили бошлаб беради

Футбол бўйича XIX жаҳон чемпионати тантанали очилиш маросимига уланиб кетадиган Жанубий Африка Республикаси — Мексика терма жамоалари учрашувини ҳамюртимиз, тошкентлик **Равшан ЭРМАТОВ** бошқаради. Йоханнесбург марказий стадионига ташриф буюрадиган давлат раҳбарлари, жаҳон спорти, футболи мутасаддилари, юз мингта яқин мухлис, дунёдаги 4 миллиарддан ортиқ телетомошабин ўзбекистонлик ҳакамнинг жаҳон чемпионати ўйинларини бошлаб беришини кузатади.

Бир ой давом этадиган жаҳон чемпионатида жами 64 та учрашув ўтказилади. Мазкур баҳсларни дунёнинг 26 давлатидан келган 29 нафар бош ҳакам бошқариб боради. Шу ўринда таъкидлаш керакки, Равшан Эрматов мундиал учрашувларини бошқаришга жалб қилинганлар орасидаги энг ёш ҳакамлардан бири саналади. ЖАРга борадиган мутахассислардан энг ёши сальвадорлик Жоель Антонио Агуилар Чикас бўлиб, у шу йилнинг 2 июлида ўттиз бир ёшга тўлади. Равшан Эрматов эса 9 август куни ўзининг ўттиз уч ёшини қаршилайди.

Куни кеча ФИФА жаҳон чемпионатининг дастлабки ўн беш учрашувини бошқарадиган ҳакамлар гуруҳини эълон қилди. Унга кўра, жаҳон чемпионатининг биринчи учрашуви бўлган ЖАР — Мексика миллий терма жамоалари баҳсини ҳамюртимиз Равшан Эрматов бошқариб бораси. Унга қанотларда яна бир вакилимиз Рафаэль Илёсов ва Баҳодир Қўчқоров (Қирғизистон) ёрдам беришаси.

Биз ушбу хабарни эшитган заҳотимиз, айни пайтда Йоханнесбург шаҳрида жаҳон чемпионатига ҳозирлик кўраётган ҳамюртимиз билан телефон орқали боғландик.

— Равшан, аввало сизни ФИФА томонидан билдирилган юксак ишонч билан табриклаймиз. Бу хабарни халқимиз катта хурсандчилик билан кутиб олди. Бундай йирик мусобақа олдидан кўнглингиздан нималар ўтмоқда?

— Мени чемпионатнинг биринчи учрашувига тайинлашларини кутмагандим. Аммо бу хабардан бениҳоя хурсанд бўлдим. Бундай юксак ишончга сазовор бўлган ҳар бир ҳакам ўз ишига профессионал ёндошиши талаб этилади. Шунинг учун билдирилган ишончнинг масъулиятини ҳам чуқур ҳис этиб турибман. Ўз вазифамни бекаму кўст бажариш учун бутун эътиборимни тайёргарлик машғулотларига қаратаяпман. Гарчи, ўзим олис Африка қитъасида бўлсам-да, қайноқ қалбли халқимизнинг меҳрини, серқуёш Ўзбекистон тафтини бир зум бўлсада унутганим йўқ. Ҳозир бу ерда ҳарорат +20 даража. Менга билдирилган ишончни оқлаб, ҳар бир учрашувни адолатли ва ҳалол бошқариш учун бор маҳоратимни ишга соламан. Эътиборлиси, мазкур жаҳон чемпионатида Равшан Эрматов Мустақил Ҳамдўстлик Давлатлари ва Болтиқбўйи мамлакатларидан қатнашаётган ягона бош ҳакам ҳисобланади. Агар бу давлатлардан бирорта ҳам терма жамоанинг мундиал йўлланмасини қўлга кирита олмаганлигини назарда тутсак, моҳир ҳакамимизга шундай нуфузли мусобақани бошлаб берувчи учрашувнинг ишониб топширилганлиги юксак шараф эканлигини англаш қийин эмас. Буни россиялик таниқли ҳакам Валентин Ивановнинг фикрлари ҳам тасдиқлаб турибди.

— Равшан Эрматов кетма-кет икки йилдан бери Осиёнинг энг яхши ҳаками дея тан олинмоқда, — деди Валентин Иванов ОАВ ходимларига берган интервьюсида. — Менимча, Равшаннинг ФИФА байроғи остида ўтказилган барча ёш (ўсмирлар, ёшлар, шунингдек, клублар ўртасидаги жаҳон чемпионати) мусобақаларида иштирок этгани ундан ҳам муҳимроқ аҳамиятга эга. У 2003 йилдан бери Халқаро футбол федерациялари ассоциацияси (ФИФА) кузатуви остида. Равшан жуда истеъдодли, изланишдан чарчамайдиган ҳакам.

Ҳа, бундан ҳар қанча фахрлансак, ғурурлансак арзийди. Яна саноқли кунлардан сўнг, аниқроғи, 11 июнь куни Тошкент вақти билан соат 19.30 да бошланадиган жаҳон чемпионатининг илк учрашувида ўзбек ўғлони Равшан Эрматов Жанубий Африка ва Мексика миллий терма жамоаларини бош ҳакам сифатида майдонга олиб тушади.

Эркин ХОЛБОБО.

Мазкур жаҳон чемпионатида Равшан Эрматов Мустақил Ҳамдўстлик Давлатлари ва Болтиқбўйи мамлакатларидан қатнашаётган ягона бош ҳакам ҳисобланади

Шу йилнинг августида Сингапурда ўсмирлар ўртасида илк маротаба ёзги Олимпия ўйинлари бўлиб ўтади. Айни кунларда мазкур нуфузли мусобақага йўлланма берувчи турнирлар қизғин давом этмоқда.

Яна икки йўлланма

Куни кеча Сингапурда ўсмирлар ўртасида енгил атлетика бўйича ўтказилган Осиё биринчилигида ҳам навбатдаги йўлланмалар соҳиблари аниқланди. Унда юртимиз шарафини муносиб ҳимоя қилган Анастасия Байкова уч ҳатлаб сакраш бўйича энг юқори натижани қайд этди — 12 метру 35 сантиметр. Шунингдек, мусобақанинг ўсмирлар ўртасида ўтган баҳсларида Руслан Қурбонов (15 метру 66 сантиметр) эса кумуш медаль билан тақдирланди.

Энди бу икки ҳамюртимиз Сингапур олимпиадасида ўз омадларини синаб кўришади.

Эслатиб ўтамиз, бунгача ўн олти нафар ёш спортчимиз ўсмирлар ўртасида бўладиган I ёзги Олимпия ўйинларига йўлланмаларни қўлга киритишганди. Булар — қизлар курашидан Нилуфар Гадоева (52 кг), юнон-рум курашидан Нурбек Ҳаққулов (50 кг), Руслан Комилов (85 кг), эркин кураш Диёрбек Эргашев (75 кг), дзюдодан Гулнора Матниёзова (63 кг), Мансур Мамажонов (55 кг), бадиий гимнастикадан Азиза Мамажонова, таэквонда (ВТФ)дан Абубакир Расулов (57 кг), спорт гимнастикасидан Дилноза Абдусалимова, Эдуард Шаулов, стол теннисидан Элмурод Холиқов, сузишдан Юлдуз Қўчқорова, Дмитрий Швецов, боксдан Зоҳиджон Ҳурбоев (48 кг), Аҳмаджон Мамажонов (69 кг), Сардорбек Бегалиев (81 кг).

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY'ATI:
Abdulla ORIPOV
Latif G'ULOMOV
Bobir ALIMOV
Sharbat ABDULLAYEVA
Murodulla ABDULLAYEV
Ulug'bek MUSTAFOYEV
Tat'yana KISTANOVA
(Bosh muharrir o'rinbosari)
G'affor HOTAMOV
(Bosh muharrir o'rinbosari)
Muslihiddin MUHIDDINOV
Andrey KUSTOV
Ochilboy RAMATOV
Saidahmad RAHIMOV

MUASSIS:
O'ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO'LIMLAR:
Partiya hayoti 233-10-13
Madaniyat va sport 233-69-45,
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 233-20-36, 233-44-55
Jamoatchilik bilan aloqalar va huquqiy targ'ibot 233-12-56
Reklama va e'lonlar 233-38-55, 233-47-80
Mas'ul kotib 233-72-83, 236-55-17

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-32-70
Buxoroda — 223-06-02
Gulistonda — 25-46-45
Jizzaxda — 227-48-35
Navoiyda — 223-83-73
Namanganda — 226-43-81
Nukusda — 222-77-21
Samarqandda — 35-02-55
Urganchda — 517-30-58
Farg'onada — 224-18-78
Denovda — 8-37641-23-780

MANZILIMIZ:
100000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO'CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Temur XUDOYBERDIEV

Gazeta «O'zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.

Sahifalovchi-dasturchilar: Sobirjon TUNG'ATOV, Zafar BAKIROV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko'chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Matbuot va axborot agentligida 0006-raqam bilan 2007 yil 11 yanvarda ro'yxatga olingan.
Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi. Hajmi 2 bosma taboq.
Gazeta seshanba, payshanba va shanba kunlari chiqadi.
«O'zbekiston ovozi» materiallarini ko'chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 549
13355 nusxada bosildi
t — Tijorat materiallari
ISSN 2010-7633
O'zA yakuni — 23.40
Topshirilgan vaqti — 02.45
1 3 4 5
Sotuvda erkin narxda

Ўзбек балети

Бу санъат турининг номи лотинчада «рақса тушаман» деган маънони англатади. У дастлаб Италияда пайдо бўлса-да, биринчи балет — «Қироличанинг ҳажвияси» 1581 йили Францияда томошабинлар эътиборига ҳавола қилинган эди.

Саҳнада «Тўмарис»

1918 йилда Тошкентда Туркистон халқ консерваторияси қошида кичик балет труппаси иш бошлаган. 1929 йилда эса опера ва балет театри номини олган. 1933 йилда биринчи ўзбек миллий балети — «Пахта» балетмейстер Уста Олим Комилов томонидан саҳналаштирилган. Кейинчалик ўзбек мумтоз ва халқ рақслари асосида «Шоҳида», «Гуландом», «Тоғлар қалби», «Лайлакча» сингари балетлар яратилган.

Бугунги кунда Алишер Навоий номидаги Давлат академик катта театри балет анъаналарини муносиб давом эттирмоқда. Театр репертуаридан ўзбек ҳамда жаҳон балет санъатининг нодир намуналари жой олган. Хусусан, А.Эргашевнинг «Ҳумо», П.Чайковскийнинг «Оққуш кўли», «Уйқудаги гўзал», Л.Миннуснинг «Дон Кихот», Б.Астафьевнинг «Боғчасарой фонтани» мухлислар олқишига сазовор бўлмоқда. Айниқса, яқинда премьераси бўлган Адольф Аданнинг «Корсар» балети томошабинларда катта таассурот қолдирмоқда.

Балет санъати ихлосмандларини яна бир премьера кутиб турибди. Балетмейстер Улуғбек Мусаевнинг ўзбек мумтоз халқ рақслари асосида яратган «Тўмарис» балети саҳна юзини кўради.

Дилшод НАРЗУЛЛАЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ОЛАМНИ КЎРИШ БАХТИ

Тиббиётимиз фидойилари

Республика кўз касалликлари клиник шифохонаси фаолияти билан яқиндан танишсангиз, бу даргоҳдан кўнгли тўлмай чиқиб кетган беморни учратмайсиз. Бунинг асосий омилларидан бири шифокорларнинг иқтидори, тажрибаси бўлса, иккинчиси шифохона энг замонавий тиббиёт асбоб-ускуналари билан таъминланганидир. 2003 йилда Соғлиқни сақлаш вазирлиги ва клиник шифохона раҳбариятининг саъй-ҳаракати билан АҚШнинг «Bausched Lomb» фирмасида ишлаб чиқарилган «Милленниум» микрохирургик ускунаси харид қилинди.

Натижада жаҳон андозаларига мос Витреоретинал жарроҳлик оперблоки ташкил қилинди. Шифохонанинг иқтидорли мутахассиси Омонулла Тошмуҳамедов мазкур бўлимга мудир этиб тайинланди.



Абдивоси ҲАЙДАРОВ олган сурат.

Маълумки, кўз жароҳати касалликлари, айниқса, кўз тўр пардасининг кўчиши хасталиги инсоннинг кўриш қобилиятини пасайтириб, ҳатто бу бахтдан бебаҳра қилади. Шу боис, беморларда кўз тўр пардасининг кўчиш касаллигида 3 соатдан ортиқ мураккаб жарроҳлик амалиёти ўтказилар эди. Айрим беморлар катта маблағ сарфлаб, хорижга бориб даволанишга мажбур бўларди.

— Биз жаҳон тажрибасини иш фаолиятимизда қўллаш учун, — дейди шифохона бош шифокори Клара Валиева. —Истеъдодли мутахассис Омонулла Убайдуллаевични Россия Федерациясидаги «Кўз микрохирургияси» марказига малака оширишга юбордик. У ўрганган тажрибаси асосида клиникамизда кўз тўр пардасининг кўчиши касаллиги операциясини 40 минутда ўтказишни амалиётга жорий этди. Марказимизда унинг раҳбарлигида ана шундай мураккаб операциялар ўтказиляпти, беморлар кўриш бахтига муяссар бўляпти.

Дарҳақиқат, Омонулла Тошмуҳамедов кўз тўр пардасининг кўчиши касаллигини янги усулда операция қилиш устида 10 йил илмий тадқиқот олиб борди. Унинг машаққатли изланиши самараси — «Витреоретинал» жарроҳлик усули мамлакатимизда кенг қўллана бошланди.

«СКАНИЯ» кўчма жарроҳлик автобуси билан узоқ-узоқ туманларга қилинган сафарлар давомида кўплаб беморларга тегишли маслаҳатлар берилди, йилига 60 дан зиёд операциялар ўтказилди. Ўтган 8 йил мобайнида 5000 нафардан зиёд беморда жарроҳлик амалиёти ўтказилди.

Республикамиз аҳолисига сифатли офтальмологик хизмат кўрсатиш бўйича ҳам у қатор таклифлар киритди. 1999 йилда кўз касалликлари «СКАНИЯ» кўчма жарроҳлик автобуси пайдо бўлди. Ёш врач кўчма офтальмологлар бригадасига раҳбарлик қилди.

— Инсон учун бу ёруғ дунёни кўриш бир саодат, — дейди Омонулла Тошмуҳамедов. — Беморга шундай бахтни бериш учун бугунги офтальмолог, аввало, замонавий билимга ва кўникмага эга бўлиши, дунё тажрибасини ўрганиши ва амалиётга жорий эта билиши жуда муҳим. Кези келганда шуни ҳам таъкидлаш лозимки, «Милленниум» ускунасининг афзаллик томонлари кўп, операция жараёни қисқаради, беморнинг соғайиш кўрсаткичлари ошади. Бўлимимизда ҳар йили 400 дан ортиқ мураккаб операцияларни амалга оширяпмиз. Кўплаб беморлар яна ўз оиласи бағрига, меҳнат фаолиятига қайтяпти.

Улар ёруғликни кўриш бахтига муяссар бўлганларидан кувонишади. Биз шифокорлар эса ана шундай бахтни уларга улашганимиздан хурсанд бўламиз.

Эркин РАЖАБОВ.

Эътироф

Китобларга — халқаро мукофотлар

(Давоми. Боши 1-бетда.)

Ўтказиб келинаётган халқаро кўрик-танловда илк бора Ўзбекистон вакиллари жами 9 та номинациядан бештасида совринли ўринларни қўлга киритди. «Ҳамдўстлик» номинациясида «Маънавият» нашриётининг «Қорақалпоқ фольклори» альбом-китоби биринчи ўринга лойиқ деб топилди. «Менинг Ватаним» номинацияси бўйича ўтказилган кўрик-танловда ҳам «Маънавият» нашриётининг «Ўзбекистон табиати» китоб-альбоми учинчи ўринга муносиб кўрилди.

Кўрик-танловнинг «Болалар ва ўсмирлар учун китоблар» номинациясида Чўлпон номидаги нашриёт-матбаа ижодий уйининг «Жониворлар атласи. Ўқувчилар учун», «Менинг энг севимли биринчи энциклопедиям», «Болалар боғчаси учун севимли эртаклар» китоблар туркуми учинчи мукофот билан тақдирланди.

«Ҳамдўстликда чоп этилган» номинациясида «Санъат» журнали нашриётининг «Ўзбек тасвирий санъати антологияси» китоб-альбоми ҳам учинчи ўринга сазовор бўлди.

Халқаро кўрик-танловнинг энг нуфузли мукофоти — «Гран-при» номинациясида «Ўқитувчи» нашриёт-матбаа ижодий уйида тайёрланиб чоп этилган «Бобурнома. Миниатюралар» китоб-альбоми рағбатлантирувчи соврин билан тақдирланди.

ДАВЛАТ-ТИЖОРАТ ХАЛҚ БАНКИ

манфаатли «СОВРИН ПЛЮС КАПИТАЛ» ютуқли омонатини таклиф этади.
Омонат бўйича фоиз даромадлари билан бирга, омонат бўйича ўтказиладиган ютуқлар тиражлари натижасига кўра 2000 дан ортиқ пул ютуқларидан бирининг соҳиби бўлишингиз мумкин.

Ютуқлар тиражлари жорий йилнинг май ойидан бошлаб ҳар 2 ойда ўтказилади.

ҲАМ ДАРОМАД, ҲАМ ИМКОНИЯТ!

ХАЛҚ БАНКИ – СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ!

Қўшимча маълумотларни 150-12-91 телефони орқали олишингиз мумкин.

Хизматлар лицензияланган